

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



— 2022 йил—Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили —
Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲОҶИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2022 йил 3 декабр № 43 (8439)

Муҳим ахборотлар

8 декабр—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ХАЛҚ ИРОДАСИННИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 ноябрдаги “Жинойтларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги фармони билан Бош прокуратура Академияси негизда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ташкил этилди.

30 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Сўхбатда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.



Амир Темур “Тузуқлари” Шарқ ва Осиё мамлакатлари цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги конституциявий ҳужжат хусусиятига эга бўлганлиги билан оламда машҳур. Собиқ шўролар даврида ҳам юртимизда конституциялар қабул қилинган, жумладан, собиқ Ўзбекистон ССРда 1927, 1937 ва 1978 йилларда конституциялар қабул қилинган. Бироқ ушбу ҳужжатлар шўролар давлати таъсирида яратилганлиги боис

“Конституция” халқро атамалардан ҳисобланиб, латинча “Constitutio” сўзидан олинган ва луғавий маъноси “ўрнатиш”, “белгилаш” дир. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни белгиловчи бу ҳуқуқий ҳужжат юридик кучга эга давлатнинг асосий қонунидир. Давлат қонуни бўлса-да, Конституция биринчи навбатда инсонлар манфаатига хизмат қилади.

уларда мамлакатнинг том маънода мустақиллиги намоён бўлмаган эди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўз Мустақиллигини эълон қилганидан эътиборан дунё саҳнида янги, суверен давлат қарор топган бўлса, биринчи Конституциямиз қабул қилинган 1992 йил 8 декабр кунини давлатимиз янгидан туғилди, хурриятга мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор қўйилди. (Давоми 2-бетда).

Оила—жамият асоси

БАХТ ҚЎРҒОНИ



Қонуний асосга қурилган, ҳамжиҳат оила истиқомат қиладиган гўша чиндан ҳам бахт қўрғони деб аташга лойиқдир. Пойдевори меҳр, муҳаббат, сабр, бардош, бир-бирини тушуниш ва

қўллаб-қувватлаш сингари фазилатлардан барпо этилган оилалар ҳар бир маҳаллада истаганча бор ва юртни-юрт, миллатни-миллат қиладиган бундай қўрғонлар жамиятимизнинг асосидир.

“Шаҳартепа” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қиладиган Аҳмадалиевлар оиласи шулар жумласидандир.

Оила бошлиқлари Умарали ва Муборакхон ҳожилар бир умр кишлоқ болаларига тарих ва математика фанларидан сабоқ бердилар. “Сири кўчага чиқмаган оиланинг қўрғони мустаҳкам бўлади” деган ақидага амал қилган ота-она фарзандларига ҳам бу қадриятни ўргата олдилар. Тўрт ўғил, бир қизни олим, ҳисобчи, ўқитувчи, шифокор бўлиб етишишига имкон яратган ота-она ўқитувчи келинлар, ички ишлар ходими бўлган кўев, 14 невага эъзозидан умргузаронлик қилмоқда.

Китоб ўқиб, ундаги ҳикматлар билан ўртоқлашиш оиладаги энг яхши анъанадир.

Ушбу сурат ана шу жараёндан Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ томонидан тасвирга туширилди.

Обуна-2023

"ЎСТИҚВОЛ ҲОҶИ"ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?



Азиз муштарий!

Хабарингиз бор, Сизга қулайлик яратишни ҳамда газетани ўз вақтида олишингизни кўзлаб “Истиқбол йўли” муҳарририяти газета обунасини таҳририят билан тузилган шартнома орқали расмийлаштиради ва етказилишини таъминлайди. Шартномада обуна маблағи корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимнинг розилиги билан таҳририят ҳисоб рақамига шу йил охири ва келгуси йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтказиб берилиши назарда тутилган.

Шу кунларда шартномалар расмийлаштирилмоқда.

Обуна, шунингдек, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиали Қўштепа бўлими орқали ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Қадрдон муштарий, яратиб берилган қулай имкониятдан фойдаланинг. Газетамизнинг бир йиллик обуна баҳоси—170 минг сўм.

Таҳририятнинг ҳисоб рақами: 20208000500211010001

“Асака” ДАТ банки Фарғона филиали,

МФО: 00539, ИНН: 200178144.

МУҲАРРИРИЯТ.

УШБУ

2

* Халқ иродасининг олий намунаси

* Публицист мулоҳазалари

* Халқ бўлдиқ, элим

СОНДА:

3

* Туман Кенгашига сайлов ўтказувчи

туман сайлов комиссияси қарори

* Кексалар ҳамшиша эъзозимизда

4

Сабоқ бекати

* Аҳли дониш дейдиларки...

* Ақл-ақлдан қувват олар

* Билиб қўйган маъқул

8 декабр—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

(Давоми. Боши 1-бетда).

Асосий Қонунимиз яратилишининг мураккаб ва айни чоғда шарафли соломасига назар солар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг мустақиллик сари узоқ йўлдаги изланишлари натижаси эканига қомил ишонч ҳосил қилдимиз. Авваламбор, бу борада уч минг йиллик миллий давлатчилик тажрибасига таянилган. Қолаверса, Асосий Қонунимиз манфаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиққан ҳолда Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолнинг 97 та мамлакати тўплаган илғор қомусий тажрибани ҳисобга олиб яратилган.

Олий Кенгаш қарори билан 1990 йил 21 июн кунини давлат арбоблари, депутатлар, мутахассислардан иборат 64 нафар аъзони ўзида жамлаган Конституциявий комиссия тuzилди. Ушбу комиссия таркибига барча ҳудудий тузилмалардан, давлат ва жамоат ташкилотларидан вакиллар, ҳуқуқшунослар, олимлар ва бошқа мутахассислар вакиллари киритилди. Бундан ташқари лойиҳада мўлжалланган 6 та бўлимни тайёрлаш учун 50 кишидан иборат 6 та махсус кичик гуруҳ ташкил этилди. Биринчи лойиҳа 1992 йил 26

сентябр кунини тайёр бўлиб, шу кунини матбуотда чоп этилди ва унинг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олди. Бу очиқ-ошкора муҳокамалар 1992 йилнинг сентябр ойи охиридан декабр ойи бошларигача сиё-

Сўнгра 1992 йил 21 ноябрда умумхалқ муҳокамасини давом эттириш учун лойиҳа иккинчи марта газеталарда чоп этилди.

Умумхалқ муҳокамаси элнинг хоҳиш-иродасини аниқлаш ҳамда жуда бой матери-

Конституциянинг 6 та бўлим, 26 та боб, 128 та моддадан иборат лойиҳаси 1992 йил 8 декабр кунини мазкур сессияда маъқулланди ва Бош Қомусимиз қабул қилинди. Унинг самарадорлигини вақт ўзи кўр-

талаблари унинг иштирокчилари фаоллашувида давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги демократик кўринишларини юзага келтирмоқда. Бу ҳолатда Бош Қомусга ўзгартириш киритиш зарурияти вужудга келади. Шу давргача Конституциямизга 16 бор ўзгартиришлар киритилди. Албатта, бу борадаги ҳар қандай ўзгаришлар давлат ва жамият ҳаётида туб ислохотларнинг амалга оширилишида дастуриламал, мустақил давлатчилик пойдеворида кўйилган мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

8 декабрь—Ўзбекистон Конституцияси кунини мамлакатимизда миллий байрам, дам олиш кунини деб эълон қилинган. Ушбу тантана ҳар йили мамлакатимиз бўйлаб барча ташкилот, муассасаларда, давлат органларида, ўқув даргоҳларида кенг нишонланади. Бу жараёнлар халқимизнинг юртга эҳтироми ҳамда ёруғ келажакка ишончини ошириб, дилга шуқуҳ бахш этади. Зеро, Мустақил юртимиз Қомуси халқ иродасининг олий намунаси.

Акmalжон МАМАДАЛИЕВ,
туман адлия бўлими бошлиғи.
Иқболжон ЗОКИРОВ,
юримдик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи.

ХАЛҚ ИРОДАСИННИНГ



ОЛИЙ НАМУНАСИ

сий фаоллик, ижодий кўтаринкилик руҳида ўтди ҳамда Ўзбекистонда демократия ривожининг самарали ва амалий мактаби бўлди. Комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 тага яқин хат келиб тушди, матбуотда юздан ортиқ материал эълон қилинди. Фуқароларимиз билдирган беш мингдан зиёд тақлифлар асосида ҳужжат қайта ишланди.

ал тўплаш имконини берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди. 80 га яқин ўзгаришлар, кўшимчалар тақлиф этилди ва аниқликлар киритилди.

сатиб турибди ва бу бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Албатта, Конституциянинг барқарорлиги ғоясидан у умуман ўзгармайди, деган фикр келиб чиқмайди. Чунки вақт ўтгани сари ижтимоий жараёнлар ўзгариб боради. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистон Республикасида ҳам ижтимоий ҳаётнинг

Илҳом

ХАЛҚ БЎЛДИК,
ЭЛИМ

**Ҳақ суйгандек,
Халқ бўлдик, элим,
Энди Сенсиз яшолмайдилар.
Энди ҳеч зот фарзандларингни
Шоҳ Маширабдек осолмайдилар.
Ҳақ суйгандек,
Халқ бўлдик, элим,
Боши баланд, мағрур ва ғолиб.
Бобурларинг Андижонидан
Кетмас энди бошини олиб!
Ҳақ суйгандек,
Халқ бўлдик, элим,
Дунё танир бугун Чўлпонни.
Усмон Носир орзу қилгандек,
Кунини тугди Ўзбекистонни.
Ҳақ суйгандек,
Халқ бўлдик, элим,
Тарих жони яшарар кўзда.
Ватан десам,
Ватан десам, кўпирар қоним,
Юрагимдан чиқар ҳар сўзда.
Ҳақ суйгандек,
Халқ бўлдик, элим,
Эзгулик бор тилакларидан.
Ўзбек деган саодат яшар,
Миллионларнинг юракларидан!
Мирзоҳид БОТИРОВ,
Фарғона Политехника
институтини проректори.**

Дунё айвонида юртини-юрт, миллатини-миллат қилгунча, то бугунги кунга етиб келгунча бу давлатнинг, демакки, халқнинг бошидан не кунлар ўтмади, дейсиз. Собик тоталитар тузумнинг барбод бўлиши, таҳликали кунлар қанчалар оғир кечганини ўша пайтларда эсини таниганлар, эндигина жамоатга қўшилганлар ва ижтимоий фаол фуқаролар яхши эспайдилар: экстремистлар бош кўтаргани, иккиюзламачиларнинг ғимирлашлари, кутқуларга учиб, миллий низолар ортидан очикчасига жангариликка ўтганларнинг қонли талотўплари, водийда, Тошкентда кечган воқеалар... ҳамма-ҳаммаси эл қалбида жароҳат қолдиришга улгурган. Ана шу жароҳатлар излари ҳамон битган эмас, битмайди ҳам.

Бундай аянчли воқеалар халқимиз асрлар оша кутган буюк Истиқлол бонги чалинганидан, Бош Қонун—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандан кейин ҳам давом этганидан хабардормиз.

Шукроналарким, мустақил Ўзбекистонни “тўдак” лигиданоқ барбод этмоқчи кучлар ниятига ета олмадилар. Орзулари рўёбига етган халқ ўзи танлаган йўлдан мардона одимламоқда. Бунда, албатта, озод ва эркин демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти таянчи ва суянчи бўлган Конституциямизнинг ўрни беқиёсдир. У давлатимиз рамзлари қаторида дунё ҳамжамиятида кўп миллатли Ўзбекистон отлиғ давлат, ўзбек аталмиш миллат борлигига кафили бўлиб, халқ манфаати йўлида яратилаётган ва яражажак қонунларга йўл очувчи машғал янглиғ нур сочаверади.

Ҳозирги мулоҳазаларим ҳаётини кузатишларим асносида ана шу машғалга соя ташлаётган айрим қусурлар борасидадирким, булар ҳақида шу юртнинг бир қаламкаши сифатида бугун ёзмасам, эртага

ўзимни кечира олмайман.

Нондан сўнг энг муҳими мактабдир, дея башорат этган файласуф нақадар ҳақли эди. Мактаб кўриб, ҳарф танимаган одам жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўла олмайди-да. Шунинг учун ҳам Бош Қонунимизда “Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир” дея битиб кўйилган.

Бугун бепул умумий таълим олаётган ёшлар репетитор ёрдамисиз таълимнинг кейинги

асоси—инсон аталмиш неъмат ва раҳматни дунёга келтирувчи, тарбиялаб, элга қўшувчи муқаддас кўрган. Кимнинг аслида ким бўлиб, жамиятга қай даражада манфаат келтириши, аввало оила, яъни ота-она тарбияси, ундаги маънавий иқлимга боғлиқлиги аён ҳақиқат. Хўш, оила давлат ва жамият томонидан қай даражада муҳофаза этилмоқда?

Ушанда ҳузуримизга келган ўттиз беш ёшлар атрофидаги аёл изтироб ёшларини тия олмасди. “Суд бугун қўлимга мана бу ажрим қоғозини берди. Мен рози бўлмасам,

Публицист

АДОЛАТ

Унга гард кўндирмаслик Сиз-у бизнинг ижро

босқичига ета оляптиларми? Мактабни битириб, ҳатто карра жадвалини билмайдиган, исми-шарифини тўғри ёзолмайдиган ёшлар борлигига ачиниб кетасан, одам. Таълим сифати нима учун пастлигича қолмоқда? Мактаб ишларини назорат қилаётган давлат ташкилотлари бундан беҳабар бўлишлари мумкинми?! Умумтаълим мактаблари таълимга бўлган эҳтиёжни қондира олмаётгани учун ҳам айрим ота-оналар фарзандларини хусусий мактабларда ўқитишга интилмоқдалар. Айтмоқчиманки, конституцион меъёр талаблари фуқаро эҳтиёжини қондирагани адолат кўзгуси равшан бўлади.

Мулоҳазаларимни Конституциямизнинг 63-моддасида битилган “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда давлат ва жамият муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” олтин қондасининг қандай амал қилаётгани ҳақидаги фикрларим билан давом эттирсам.

Дарҳақиқат, оила жамиятнинг

ажратишмайди, деб юрган эканман. Қонуний никоҳни бекор қилишда менинг фикрим инobatта олинмайдими? Каттаси ўнга, кичиги тўртга кирган уч ўғилни аёл бошим билан қандай тарбиялайман энди?! Алимента беринг, дейишди.

Берадиган алименти урвоқ ҳам бўлмаслигини билишарди-ку!... Сўраб-суриштириб билдикки, синфдошлар кўнгил кўйиб, турмуш қуришган экан. Аввалдан келини суймаган қайнона орадан жиддийроқ гап қочиб, айтишиб қолгани учун “ўнта бола бўлгандаям барибир яшатмайман” дея орадан олти ой ўтмай, боласини судга ариза беришга мажбур қилибди. Уч фарзанднинг отаси аёлини ҳимоя қилишга журъат топа олмабди. Бундай отага болалар ҳайф, дегингиз келади-да.

Суд дастлаб олти ой муҳлат берган, кейин уч ой. Муддати етганда аёл қақриув қоғозини олиб, судга етиб бормагани учун ажрим чиқариб берилмаверган. “Мен бормасам ажратиб юборолмайди”

Xalq deputatlari Farg'ona viloyati Qo'shtepa tumani Kengashiga saylov o'tkazuvchi tuman saylov komissiyasi qarori

BO'SHAB QOLGAN O'RINLARGA XALQ DEPUTATLARI QO'SHTEPA TUMANI KENGASHI DEPUTATLIGIGA BO'LIB O'TGAN SAYLOV NATIJALARI TO'G'RISIDA

10-son

2022-yil 27-noyabr

Xalq deputatlari tuman Kengashiga 2022-yil 27-noyabr kuni bo'lib o'tgan bo'shab qolgan o'rinlarga uchastka saylov komissiyalarining saylov natijalarini aniqlash to'g'risidagi bayonnomalariga asosan hamda O'zbekiston Respublikasi Saylov kodeksining 22, 59, 96, 97-moddalariga muvofiq, xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashiga saylov o'tkazuvchi tuman saylov komissiyasi **QAROR QILADI:**

1. Bo'shab qolgan o'rinlarga Xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashiga 7-Nurafshon saylov okrugining ovoz berish natijalariga ko'ra, O'zbekiston Xalq demokratik partiyasidan nomzod Abdulhamidov Elmurodjon Dilmurodjon o'g'li 1623 ta (54.4 foiz) ovoz bilan deputat etib saylangan deb topilsin.

27-Loyson saylov okrugining ovoz berish natijalariga ko'ra, O'zbekiston Ekologik partiyasidan nomzod Usmonov Mohirjon Ahmadovich

2734 ta (67.5 foiz) ovoz bilan deputat etib saylangan deb topilsin.

2. Mazkur qaror ommaviy axborot vositalarida e'lon qilin.

3. Ushbu qaror ijrosini nazorat qilish tuman saylov komissiyasi raisining o'rinbosari O.Murodov zimmasiga yuklatilsin.

Xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashiga saylov o'tkazuvchi tuman saylov komissiyasi raisi R.TOJIBOYEV

Сидикжон Йўлдошев туманнинг энг жонқуяр фаолларидан. Меҳнат фаолиятини 27-умумтаълим мактабда ўқитувчиликдан бошлаган Сидикжон “Кийки”, “Ғиштон” маҳалла фуқаролар йиғинлари раиси, собиқ транспорт ва йўл

қурилиши коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимларида вазифасига сидқидилдан ёндошиб меҳнат қилди. Шу йилнинг биринчи ноябридан у ҳозирда эгаллаб турган лавозимига тайинланди.



КЕКСАЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗИМИЗДА

Қумтепадаги “Район” масканида “Кексалар – эъзозимизда” деб номланган давра суҳбатида ана шу эзгу қадриятими ўз яққол намоён бўлди. Тадбирда туманимизда истиқомат қилаётган пиру бадавлат нуруний отахон ва онахонлар иштирок этдилар. Даврада туман ҳокими Илёсбек Новиков ва сектор раҳбарлари, вилоят маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг кексалар масалалари бўйича ўринбосари Зокиржон Раҳмоновлар ҳам ҳозир бўлишди.

Илёсбек Новиков ва Зокиржон Раҳмоновлар бугун кексалик гаштини сураётган отахон ва онахонларнинг ҳар бир сўзи, ҳаётий тажрибаси ёш авлодни миллий қадриятларимиз ва аъналаримизга хос,

чинакам юртпарвар ва элпарвар қилиб тарбиялашда ғоятда муҳим ўрин тутишини таъкидладилар. Жамиятимизнинг асоси бўлган оилалар барқарорлигини таъминлаш, йигит-қизларни мустақил турмушга тайёрлаш, касб-хунар ёки бирор мутахассисликни эгаллашга, миллий аъналаримизга садоқатли бўлишга даъват этишда табаррук кексаларнинг ўгитлари, йўл-йўриқлари ниҳоятда асқотишини тилга олиб, уларга алоҳида эҳтиром кўрсатишдан мамнун эканлигини билдирдилар.

Даврада Юсуфжон Розиков, Кароматхон Умматқулова сингари фахрийлар ва ҳоким маслаҳатчиси Муҳаббатхон Мўйдиновалар сўз олиб, кўрсатилётган эътибор-у ғамхўрликларга

Маълумки, ёши улуғ инсонларнинг ҳаёт йўллари ҳар доим ёшлар учун ибрат мактаби бўлиб келган. Уларнинг дуолари навқирон авлодга куч-қувват, ғайрат-шижоат бағишлайди. Ёши улуғларни ҳурмат қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг ўзига хос юксак маънавияти ва маданияти белгисидир.

жавобан бор куч-қувват ва имкониятларини комил инсонлар тарбиясига бағишлашларини тилга олдилар. Бир пиёла чой устидаги ширин дийдор, маърифий-маънавий суҳбатлар барчага хушқайфият бахш этди. Даврада туман ҳаётида ёрқин из қолдирган фаол ва фидойи қўштепаликлар, туман тараққиётига ҳисса қўшганлар номлари эҳтиром билан тилга олинди. Нурунийлар маърифий суҳбатдан руҳий қувват олиб, янги куч ва мақсадлар билан қайтдилар.

Сидикжон Йўлдошев, туман маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг нурунийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси. Ушбу сурат ана шу даврдан бир лавҳа сифатида тасвирга туширилди.

деб ўйлаган аёл ўз ёғида ўзи қовурилмоқда. Унинг айтишича, жамоатчилик фикрини писанд қилмаган қайнона шу кунларда янги келин тушириш тараддуудида экан. Бу ўринда гап бир неча минглардан бири бўлган ажримнинг айбдорини аниқлаш эмас, балки қуроли қонун бўлган судьянинг инсон тақдирига беписандлигида боряпти. Ахир қонун қонун учун эмас, инсон манфаати учун хизмат қилиши керак эмасми?! Муддати етиши билан ажрим чиқариб қўяётган судья уч норасиданинг тақдирини ўйлаганида,

пайтдаги шаръий аёлга қолдирилди, даъвогар талаби қондирилмади. Суд якунлангандан сўнг даъвогар иш нотўғри қўрилганини айтганида, судья жанобларининг мана бу жавоби таажжубимни оширди: –Опа, қарордан норози бўлсангиз, кейинги инстанцияга мурожаат қилаверасиз. Ким билади, балки унда сиз ютиб чиқарасиз. – Унинг гапидан коррупциянинг ҳиди келаётгани икки қарра икки тўртдек аён эди. Бояқиш аёл, яна икки ўғил бож ва адвокат тўловлари, Фарғона-ю Тошкент йўлларида

бунинг “қўлини банд” келтириб, даъвогар-у жавобгарни “соғиб” ичишми, ёки адолатни қарор топтириш?! Бундай кўр-кўрона сафсатабозликлар қачон барҳам топади?! Ахир Конституциямизнинг 112-моддасида “судьялар фақат қонунга бўйсундилар” деб битиб қўйилмаганми?! Ахир суд тизимида адолатни қарор топтиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида конституциямизга етти марта ўзгартишлар киритилган эмасми?! Бундан беш йил аввал суд ҳокимиятида адолатни қарор топтириш учун ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз фуқароларни сарсон қилмаслиги, қонуний манфаатларини виждонан ҳимоя қилиши юзасидан қўйган кескин талаблари унутиб юборилдими?! Ҳуқуқшуносларки қонунни четлаб ўтсалар, бошқалардан нима кутиш мумкин?!

Яна бир ҳақиқатни тан олмоғимиз керак: у ҳам бўлса, фуқароларнинг ҳуқуқий саводи бугунги тезкор тараққиёт даражасидан кескин орқада қолмоқда. Бу, барча тизимларда коррупциянинг чуқур илдиз отиб боришига имкон яратиб, қонунлар фаол ишлашига раҳна солаёгани бор гап. Ҳаммамиз ва ҳар биримиз—шу юрт фуқаролари, яъни бизнинг ҳуқуқий саводимиз мамлакат тараққиёт даражасини белгиловчи, барча соҳаларда бардамалаб бораётган коррупция илдизига зарба берувчи омил эканини ҳис қилмоғимиз даркор. Конституциямиз, яъниким давлатимиз ва жамиятимизнинг АДОЛАТ КЎЗГУСИ ҳамиша равшан бўлиши Сизу бизнинг ижро масъулиятимиз, ҳуқуқий маданиятимизга боғлиқ эканини унутмайлик, азиз замондоҳ!

Хадичахон КАРИМОВА, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

мулоҳазалари КЎЗГУСИ

масъулиятимиз ва ҳуқуқий саводимизга боғлиқ

ҳақми-ноҳақми, шу аёлнинг фикри билан ҳисоблашганда, балки бошқачароқ йўл тутармиди... Қонунларда битилмаган “инсоф”, “раҳм-шафқат” сингари меъёрлар ҳам бор-ку, инсон аталмиш онгли мавжудод шуурида.

Ўзим кузатганим мана бу ҳолат янада ачинарли. Мана олти йилдирки, вафот этган тадбиркор эрининг оға-ини ўртасидаги мулки марҳумга тегишли қисмига эга чиқиш учун қонуний аёли судмасуд юравериш, юрак хасталигини орттирди. Девор-дармиён қўшни бўлганимиз учун бир гал Фарғонада, апелляция тартибиде иш кўраётган суд жараёнида гувоҳ сифатида иштирок этдим. Жараёнларнинг боришидан барча далиллар қонуний хотин мулкка ҳақдорлигини исботлаб турса-да, суд у қилди-ю бу қилди, биринчи инстанциянинг қарорини ўз кучида қолдирди, уларни тили бирлиги яққол сезилиб қолди: марҳумга тегишли мулк ундан кейин иккинчи бор ноқонуний асосда турмушга чиққан ўша

қатнайвериш сарсонгарчиликлардан безганлари етмаганидай, эридан қолган ҳовли-жойининг учдан икки қисмини сотиб, адо қилди. Бир гал уни “ҳақ жойига қарор топди шекилли, ҳамма сохтакорликлар фош бўлди, мулкларимиз ўзимизга қайтадиган бўлди” дея хурсанд ҳолда учратган бўлсам, кейинги сафар “иш яна қайтадан бошланадиган бўляпти, – дейди тарвузи қўлтиғидан тушиб. –Қачон-гача сарсон қилишаркин, бу азобларнинг охири бахайр бўлсин-да ишқилиб”. Кеча бояқишнинг уйи олдида яна тез ёрдам машинаси турганди.

Кўзга кўриниб турган мулк можаролари шу даражада мушкулмидики, олти йилда ҳам ҳақ жойига қарор топмаса. Шу йиллар ичидаги турли босқичдаги суд қарорлари, ўқиб, баъзан калаванинг учини топиб бўлмайдиган баённомалар, яна алламбало қоғозлар неча том бўлди экан, астағфируллоҳ! Нима, суднинг иши гоҳ унинг, гоҳ

JAHON AYVONIDA

ЕИ САМОЛЁТЛАРИДА 5GGA УЛАНГАН МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН БУЛАДИ



ЕИ раҳбарияти энди йўловчилар самолётга чиққанида телефонларини ўчириб қўйишга мажбур бўлмади, демоқда. Уларнинг айтишича, стюардессалар “илтимос, парвоз вақтида телефонингизни ўчириб қўйинг”, деб талаб қилмади.

Бундан буён Европа авиакомпанияларига қарашли самолёт бортида 5G форматидаги симсиз алоқа пайдо бўлади. Йўловчилар парвоз вақтида мобиль телефонлари орқали кўнғироқ қилиши ва интернетдан фойдаланиши мумкин.

КАНАДА ОЛИМЛАРИ СОМАЛИДА ТОПИЛГАН МЕТЕОРИТДАН НОМАЪЛУМ МИНЕРАЛНИ КАШФ ЭТДИ



Канаданинг Альберта Университети тадқиқотчилари Сомали ҳудудида топилган 15 тонналик метеоритда аввал Ер юзиде учрамаган камида иккита минерални аниқлади. Минераллар метеоритнинг 70 граммлик бўлагидан топилиб, тадқиқот учун Канадага жўнатилган. Учунчи минерал ҳам топилиши мумкин, дейлади университет тарқатган хабарномада.

Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Уч нарса: балога сабр қилиш, қазою қадарга рози бўлиш ва кенгликда дуо қилиш сабабли банда дунё ва охират орзуларига етишади. *Имрон ибн Хусайн (розиаллоху анху)дан.*

Абу Шайх ривояти.

Уч нарса сенга биродаринг дўстлигини соф қилади. 1. Йўлиққанинда салом берасан. 2. Мажлисда унга жой берасан. 3. Уни энг яхши исм ила чақирасан. *Умар (розиаллоху анху)дан.*

Байҳақий ривояти.

Уч тоифа борки, одамлар ҳисоб қилинаётганда улар Аршнинг соясида омон ҳолатда гаплашишади. 1. Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмаган киши. 2. Ҳалол бўлмаган нарсага қўлини чўзмаган киши. 3. Аллоҳ ҳаром қилган нарсага қарамаган киши.

Асбаҳоний ривояти.

“2002 ҳадис”дан.
(Ҳадиси шарифларда обод-ахлоқ зикри).
“Мунир” нашриёти.
Тошкент—2022 йил.

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОЙИ.

Амир Темур ўғитларидан

БИР КАЛИМА ШИРИШ СЎЗ...

Уламолар суҳбатида бўл, пок, соф ниятли кишиларга талпин.

Китоб—барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир.

Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр—мингни.

Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимаиди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

Душманнинг кулгани—сирингни билгани.

Бўлар одам ёшидан бош бўлар,
Бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар.

Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

Кечира олишлик—мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади.

Бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олиб, кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми билан иш қилур эрдим.



Адл-у эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

Бир калима ширин сўз қилишни қинга киритади.

“Машриқзамин—ҳикмат бўстони”дан.
“Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти.
Тошкент—1997 йил.

Аҳли дониш дейдиларки...

ЭРКИНЛИК ИНСОН ЖАСОРАТИ ВА КУЧИНИ ИККИ БАРАВАР ОШИРАДИ

Қонун ортида уни қўллаб-қувватлайдиган мажбурловчи куч бўлмаса—у қонун эмас.

Ж. ГАРФИЛД.

Халқ қонунни ўз таянчи, ўзини муҳофаза қилувчи девор сифатида ҳимоя этмоғи лозим.

ГЕРАКЛИТ.

Қонун инсоний доноликнинг юксак ифодаси бўлиб, у одамлар тўплаган тажрибадан жамият фаровонлиги йўлида фойдаланади.

С. ЖОНСОН.

Қонунга риоя қилмайдиган одамдек ёвуз маҳлуқ йўқ.

Ж. САВОНАРОЛ.

Қаерда қонун тугаса, у ерда зўрлик бошланади.

У. ПИТТ.

Эркинлик қонун йўли қўйган барча нарсаларни қила билиш ҳуқуқидир.

Ш. МОНТЕСКЬЕ.

Эркинлик, фақат қонун измида бўлишлиқдир.

В. ВОЛЬФ.

Халқнинг ғайрати, ақли ва яхши фазилатларига йўл очиб берувчи эркинликнигина қўллаб-қувватлаш керак.

У. ЧЭННИНГ.

Қонунлар иллатларга барҳам бериб, яхшиликка йўл очмоғи керак.

ЦИЦЕРОН.

Яхши одатлар урф-одатлардан туғилади.

Ж. ЖУБЕР.

Қонун лўнда бўлиши керак, токи уни оми одамлар ҳам ёдда тутсинлар!

СЕНЕКА.

Эркинлик инсон жасорати ва кучини икки баравар оширади.

Ш. ДЮМУРЬЕ.
“Тафаккур гулшани”дан.
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
Тошкент—1989 йил.

Ақл-ақлдан қувват олар

ОҒА-ИНИНГ ТОТУВ БЎЛСА—ОТ КЎП, ОПА-СИНГИЛИНГ ТОТУВ БЎЛСА—ОШ КЎП

Ота-боболаримиз ўзларининг бир туркум мақолларида фарзандларнинг бир-бирлари билан иноқ, тотув, чинакам дўст, меҳрибон, ҳамкор, ҳамнафас, ҳамдард, ҳамроҳ, меҳриқибатли бўлиб яшашлари—ҳаётда қанчалик муҳим, қанчалик самарадор эканлигини уқтирганлар. Турмуш тақозоси туфайли ака-укалар, опа-сингиллар ўртасида баъзан “нари-бери гап”лар, келишмовчилик, ҳатто уруш-жанжал бўлиб туриши—табиий бир ҳол эканлигини, аммо бу ҳол вақтинчалик, юзаки, “чуқур илди отмаган” бўлишини, туғишганлар бир-бирларига қадрдонлик қилишлари, кези келганда бир-бирларига ҳар жиҳатдан кўмаклашларини қайд этганлар ва ҳаммавақт тотув бўлишга, бир-бирини иззат-ҳурмат қилишга даъват этганлар. “Оға-ини тотув бўлса, тоғни талқон қилар, опа-сингил тотув бўлса, уйни бўстон қилар”, “Меҳр билмас қариндошдан—меҳр билган ёт яхши”, “Оғани кўриб ини ўсар, опани кўриб сингил ўсар”, “Оз ҳам битар, кўп ҳам битар, тотувликка не етар?!”

“Ҳикматнома”дан.
Тошкент—1990 йил.



Занжабил (имбир) ёввойи ҳолда учрамайди. Унинг қуритилгани кулранг-сариқ рангда, ўзига хос хушбўй хидли бўлиб, ўткир таъмли мазаси билан зиравор сифатида қўлланилади. Иштаҳани очибгина қолмай, дориворлиги билан ҳам ажралиб туради.

Ибн Сино занжабилни кайфиятни кўтарувчи, инсонга қувват берувчи, қусишни ва ич кетишни тўхтатувчи доривор сифатида қўллаган. У оғриқ қолдирувчи, сийдик ҳайдовчи, тетиклаштирувчи ҳамда бактерияларга қарши курашувчи хусусиятга эга. Мушаклар, мускуллар оғриганда, пай ёки эт чўзилганда, тўқималар шикастланганда ҳам истеъмол қилиш тавсия этилади. Бундан ташқари, нафас йўллари ҳам тозалайди.

Айниқса, унинг илдиизи жуда фойдали бўлиб, таркибида А, С, В₁, В₂, магний, фосфор, темир, кальций, натрий, цинк, калий ва кўплаб фойдали аминокислоталар мавжуд. У қон айланишини

Билиб қўйган маъқул

ЗАНЖАБИЛ

яхшилайди, озиш жараёнида самарали ёрдам беради, қонни суялтириш билан бирга қон босимини туширади. Ўткир шамоллаш пайтида балғам кўчиришда, битиб қолган димоқни очишда яхши ёрдам беради. Шунингдек, занжабилдан тайёрланган чойни ичиб, унинг буғидан нафас олинса, (занжабилнинг эфир мойидан ҳам фойдаланиш мумкин) бемор дарддан тез халос бўлади. Терлатувчи хусусияти туфайли занжабил шамоллаш ҳамда ОРВИни бартараф этади. Касаллик бошланиши биланок, ундан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Унда витаминлар, айниқса, В, аскорбин кислотаси ҳамда ретино мавжудлиги туфайли иммунитетни кўтаришда энг яхши восита.

Қаҳва билан қўшиб тайёрланган дамламаси қонни фойдадир. Бунинг учун 2 чой қошиқ майдаланган қаҳва, 2-3 дона ингичка бўлақлари яхшилаб янчилган занжабил, бир чимдим лимон пўчоғининг қуқуни керак бўлади. Идишга қаҳва ва занжабилни солиб, паст оловда қиздирилади. Сўнг устидан совуқ сув қуйилади. Оловни баландлатиб қайнатилади. Лимон қуқунини солиб аралаштирилади. Оловдан олиб, таъбга кўра қанд ёки шакар қўшиб, дастурхонга тортилади.

Интернетдан олинди.

Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YO'LI

МУАССИС:
ҚЎШТЕПА ТУМАНИ
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИЯТ
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:
Умидаҳон ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Фаргона вилояти бошқармаси томонидан
2007 йил 9 январда 12-012 рақами
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:
151111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номи маҳалла,
Соҳибкор кўчаси, 4-уй.
Телефон ва факс:
муҳаррир (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТИНИНГ
Pentium - IV
КОМПЮТЕРИДА
ТЕРИЛДИ ВА
САҲИФАЛАНДИ.
Дизайнер:
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмаҳонасида 3003
нусада чоп этилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:
64875

Буюртма № 772

Топшириш вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Ҳадичаҳон КАРИМОВА

ISSN 2010-9253
9 772010 1925307